Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 201 (5492).
4 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● 3 сентябрь куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими Москвада совет ва чет эл журналистлари билан учрашув ўтказди.

Биринчи хабар қуролсизланишга доир Женева конференциясининг тугаган навбатдаги сессиясига бағишланди.

Иккинчи хабар табиий муҳитга ҳарбий йўл билан ёки бошқа ҳар қандай йўл билан таъсир ўтказиш воситаларидан душманлик мақсадида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциянинг амал қилишини кўриб чиқиш юзасидан Женевада ўтказиладиган конференцияга тааллуқли бўлди.

Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Совет — Иордания дўстлиги кунлари муносабати билан республикамизда меҳмон бўлиб турган Иордания делегациясининг бошлиғи сенатор Бахжат ат-Талхунини 3 сентябрда қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда меҳмон Ўзбекистоннинг экономика ва маданиятни ривожлантиришда қардош совет халқларининг аҳил оиласида олтмиш йил мобайнида эришган муваффақиятлари билан, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсияларни бажариш учун курашда республика меҳнаткашлари эришган ютуқлари билан таништирилди.

Бахжат ат-Талхуни КПСС билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати, СССРнинг ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббуслари, шу жумладан Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш, Фаластин проблемасини одилона ҳал қилиш тўғрисидаги совет таклифлари ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У Ўзбекистон диёрида самимий кутиб олинганлиги учун астойдил миннатдорчилик изҳор этди, республика меҳнаткашларини бўлажак байрам — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан муборакбод этди.

Суҳбатда Совет — Иордания дўстлиги ҳозирги кунларининг муваффақиятли ўтказилганлиги Совет Иттифоқи билан Иордания Ҳошимийлар қироллиги халқлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга шубҳасиз янги муносиб ҳисса қўшиши қайд этиб ўтилди.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

Ҳиндистон Коммунистик (Марксистик) партияси сиёсий бюросининг аъзоси Сурж... бошчилигидаги мазкур партия раҳбар ходимларидан бир группаси Ўзбекистонга келди.

3 сентябрь куни Ҳинд коммунистларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ МЕҲНАТ ВАХТАСИГА — ЮКСАК МАРОМ, ЗАРБДОР СУРЪАТ

БУГУН саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган яна бир вахтани ўтказдилар.

Тошкент индустрияси ходимлари етти ойлик планни 29 августда бажариб, август ойи ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо этдилар. Республика ва мамлакат халқ хўжалиги қўшимча талайгина муҳим буюмлар олди ва уларни буюртмачиларга муддатидан олдин етказиб берди. Бу ғоят муҳим. Шаҳарнинг ҳамма корхоналари ҳам буюртмачилар олдидаги шартномадаги мажбуриятларини бажаряпти деб бўлмайди.

Ишнинг манфаатлари шу ойнинг дастлабки кунларидан заводлар, бирлашмалар, фабрикалар, ҳар бир ишлаб чиқариш участкаси, ҳар бир қурилиш ва транспорт ташкилоти, алоқа корхонасининг хўжалик фаолиятини чуқур иқтисодий анализ қилишни талаб этади. Сентябрда учинчи кварталга якун ясалади. Шу боисдан ишни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир иш жойида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мумкин бўлсин.

Айнан анализ асосида самарали тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Буларнинг амалга ошириш ойлик планни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бўйича бажариш имконини беради.

Сентябрь кузнинг биринчи ойи. Бу ойнинг дастлабки кунларида ишлаб чиқаришни, бутун шаҳар хўжалигини кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёрлаш ғоят муҳим.

Барча резервларни ишга тушириш, тўққиз ойлик планни муддатидан илгари амалга ошириш — бу беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини жойларда муваффақиятли бажариш учун қулай шароитлар яратиш демакдир.

Юксак унвонни оқлашмоқда

Тошкент химия-фармацевтика заводи ампула ва таблеткаларда юз хилдан зиёд дори-дармонларни ишлаб чиқаради. Корхона маҳсулотларига мамлакатимизда, ҳам, чет элларда ҳам эҳтиёж катта. Шу кунларда заводда республикамизнинг шонли юбилейини, Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган.

Меҳнат беллашуви пешқадамлари сафида таблеткалар цехининг коллективи ҳам бор. Ушбу цехнинг корхона муваффақиятларига қўшаётган ҳиссасидан қуйидаги рақамлар далолат беради. Цехда 35 хил таблеткалар тайёрланади. Ҳар ойда план 1 миллион 150 минг сўмга бажарилади, бу топшириқдагидан 50 минг сўм кўп. Шу ерда ишлаётган 4 бригада ўртасида Ханифа Каримова бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи пешқадамлик қиляпти. Бригада аъзолари аҳиллиги, топшириқлари иш учун юксак масъулияти, ҳамиша бир-бирига ёрдамга келишга шайлиги билан ажралиб туради. Бригада аъзоларидан Арофат Ҳайдарова, Адолат Тошпўлатова, Фотима Қўчқорова коммунистик меҳнат зарбдори фахрий унвонига сазовор бўлишган. Улар план - топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этиб, ана шу шарафли унвонни оқлашмоқда.

Т. КАРИМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: таблеткалар цехининг бошлиғи Л. Вдовина Х. Каримова бригадасига «Коммунистик меҳнат коллективи» вимпелини топширмоқда: Ленин район партия комитетининг аъзоси, ёшларнинг устози қадоқловчи Холида Тожиева корхонада чорак асрдан бери меҳнат қилади.

Автор фотолари.

КОМБАЙННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ

«Ташсельмаш» заводи юбилей йилида қишлоққа ўн минг «зангори кема» етказиб бериши керак. Шунинг анчагина қисми пахта йиғим-терими мавсумида етказиб берилади. Завод конструкторлари механизаторларнинг таклифларини ҳисобга олиб, техника ишончли бўлиши учун унинг бир қатор узеллари сифатини яхшилашяпти, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, Тошкент автомобиль йўллари, тракторлар бўйича Давлат илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали мутахассислари билан ҳамкорликда мана уч йилдан кўпроқ вақтдан бери республика далаларида ишлаётган 50 дан ортиқ пахта териш машинаси агрегати ишини кузатяпти.

Кузатишлар шпинделларнинг қуйи асосини такомиллаштиришга ёрдам берди. У эндиликда янги, янада мустаҳкамроқ материалдан тайёрланади. Конструкторлар бундан ташқари пахта териш комбайнларига хизмат кўрсатиш вақти ва меҳнат ҳажмини камайтириш устида ҳам ишлашяпти. Шу мақсадда рационал методлар ва технологиялар, шунингдек хўжаликлар учун ускуналар ишлаб чиқиляпти. Булар ҳаммаси конструкциялардаги бўш жойларни оперативлик билан аниқлаш, фойдаланиш пайтида машинанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш имконини беради.

Янги қабул камераларини жорий этиш, ишчи аппаратининг янада созланган съёмниклари, герметик кабиналарни жорий этиш кўзда тутиляптики, бу механик ҳайдовчининг меҳнат шароитини анча яхшилайди.

Қатъият коэффициенти

«Тошкент трактор заводи»да ишлаб чиқарилаётган трактор ва прицепларнинг пахтачилик учун аҳамияти бебаҳодир. Уларсиз пахтани экиш ҳам, ўстириш ҳам ва ҳосилни йиғиб олиш ҳам мумкин эмас.

Завод мутахассислари худди шунинг учун ҳам завод конвейеридан тушириб олинаётган техникани такомиллаштириш йўлида катта ишларни амалга оширишяпти.

— Агар прицеплар ҳақида гапириладиган бўлса, — деб тушунтирди бош технолог Л. Шабданов. — Унинг юк кўтариш қуввати 4 тонна, 12 кубометрга яқин ҳосилни олади. Эндиликда биз кузови ҳажми катталаштирилган прицеплар ишлаб чиқаряпмиз, буларнинг ҳар бири эски прицепларнинг иккитасига тенг.

Бироқ, мутахассислар, завод рационализаторлари турли йўналишларда изланиш олиб боришяпти. Шулардан бири буюмни тайёрлашдаги меҳнат ва металл сарфини камайтиришдан иборатдир.

Бу иш осон эмас. Масалан, прицепни биз йигирма йилдан бери ишлаб чиқаряпмиз. Ундаги мумкин бўлган ҳамма деталлар такомиллашгандай кўринади, лекин биз барибир изланавераміз. Излаб, топамиз ҳам.

Бу йил технологлар ўзларининг ижодий планларига прицепнинг меҳнат ҳажмини 0,36 норма-соат камайтиришни ёзиб қўйишди. Бугунги кунда вазифа қарийб ҳал бўлди. Муваффақиятга юксак инженерлик маҳорати ва қатъияти туфайли эришилди. «МТЗ—80Х» тракторининг меҳнат ҳажми 2,49 норма-соатга, Т—8Х4М тракториники 2 норма-соатга камайди. Бизнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга қўшаётган аниқ ҳиссамиз ана шу.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумидан сўнг бош технолог бўлими коллективи, барча коммунистлар ўз олдиларига ишчилар меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун уларни инженерлик жиҳатдан таъминлашни мақсад қилиб қўйдилар.

Бирлашма цехларида ускуналарнинг қай даражада ишлаётганлиги текширилди. 100 га яқин ускуна, асосан металл кесиш станоклари яхши ишлатилмас экан. Уларнинг бир қисми ҳисобдан чиқариб ташланди. Бошқаларини бошқа корхоналарга беришга қарор қилинди. Бўшаган майдонларда ускуналарни мақсадга мувофиқ жойлаштириш имконини берди.

Янги планировка мастерларнинг меҳнатини ташкил этишни яхшилашга ҳам кўмаклашди. Бугунги кунда мастерларнинг типовой иш жойларини кўриш мумкин. Бу ўзига хос вагончалар бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш раҳбари ҳужжатларни сақлайди ва расмийлаштиради, кишилар билан суҳбатлашади. Янгилик мастерлар вақтини анча тежайди.

Бўлим мутахассислари ёрдамида металл сарфини 203 тоннага камайтириш мумкин бўлди. Бу планда белгиланганидан 33 тонна кўпдир. Завод бўйича эса металл сарфи жами 1000 тоннага камайди.

В. КОМЛЕВ.

● *Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига*

Днепрдан — Порт-Артурга қадар

Кеча газетамизда республикамиз пойтахтига Ленин орденли Қизил Байроқли, II даражали Суворов орденли Новоукраина Хинган 7-механизациялашган корпусининг ветеранлари келганликларини хабар қилган эдик. Уларнинг кўплари уруш йилларида Тошкентдаги ҳарбий билим юртларини битиришиб, кейин 7-механизациялашган корпус бўлинмаларида жанг қилишган.

Мамлакатимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан Тошкентга келган ветеран фронтчилар Ўзбекистон пойтахти билан танишишни В. И. Ленин майдонидан бошлашди. Фотомухбиримиз 7-механизациялашган корпуснинг собиқ жангчиларини жаҳон пролетариатининг доҳийси ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишаётган пайтда суратга олди.

Полкдош, қуролдош дўстлар уруш йилларида Днепрдан Порт-Артургача бўлган масофани жанг билан босиб ўтишди. Йил ўтган сайин уларнинг сафи камайиб боряпти. Аммо ветеран фронтчиларнинг дўстликлари янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Улар Улуғ Ватан уруши вақтида кўрсатилган жасоратлар ҳақида тўлқинланиб сўзламоқдалар. Айни пайтда улар бир-бирларига ҳозир қандай ҳаёт кечираётганликлари, фарзандлари ва набираларини қандай тарбиялаётганликлари ҳақида сўзлаб беришмоқда. Улар ана шу ёш авлоднинг осойишта турмуш кечириши учун жон олиб, жон берганлар.

Жаҳонни фашизм ҳалокатидан сақлаб қолган бу жасур кишиларнинг қаҳрамонликлари ҳақида қанча ёзилса шунча оз. Улар Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишган, ер юзида тинчлик бўлишини таъминлашга ҳисса қўшганлар.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

С. ЧУЙКОВ ПОЛОТНОЛАРИ ТОШКЕНТДА

СССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотларининг лауреати Семён Афанасьевич Чуйковнинг картиналари халқларнинг тарихи тўғрисида, уларнинг тақдирлари ҳақида, замонамиз тўғрисида ҳикоя қилади. Тошкентда очилган виставка совет рассомчилигининг ажойиб устаси туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган. Бу ерда намойиш этилаётган юзга яқин полотнода авторнинг ижодий йўли, унинг изланишлари ва интилишлари акс эттирилган.

Виставкада рассомнинг илгари ишлаган асарлари оз эмас. Қирғизистонда туғилиб ўсган рассом жонажон юрт манзаралари — тоғлар, қишлоқлар, ўтовларни зўр меҳр билан чизган. Шу ўлка, оддий меҳнаткашлар унинг ижодида умр бўйи асосий мавзу бўлиб қолди. «Бизнинг Қирғизистонда» «Қирғиз колхоз сюитаси» туркумига доир картиналар халқ ҳаётида юз берган социал ўзгаришларни ажабтовур аниқлик ва қалбдан тасвирлайди. «Чўпон қизи», «Тушлик дам олиш», «Боғдаги буғдойзор» полотноларида акс эттирилган воқеалар ва кишилар Совет Қирғизистонининг кенг умумлашган образини яратган.

Рассом Ҳиндистонни ҳам жон-дилидан севарди. Ҳиндистон сюжетлари устидаги ишлари секин-аста «Қардошларимиз» деган катта бир туркумга айланиб, шарқ халқларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилди. Тошкентликлар ана шу туркумдаги энг яхши асарлар — «Ҳаммол қўшиғи», «Паст табақа келин-куёвлар» билан танишишлари мумкин.

СССР Бадиий академияси ташкил этган кўчма виставка бундан олдин Москва, Олмаота, Фрунзеда кўрсатилган эди. Тошкентда унинг экспонатлари бир ой намойиш этилади.

ДЎСТЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ ОСТИДА

БУГУН

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида Халқаро университетлар уюшмасининг «Университетлар ва уларнинг регионал тараққиётдаги роли» мавзуидаги VIII семинари ўз ишини бошлади. Семинар ишида жаҳондаги 25 мамлакат, шу жумладан, ГДР, Болгария, Ҳиндистон, АҚШ, Судан, Франция, Ироқ ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари иштирок этишмоқда.

Ана шу ваколатли анжуманнинг ўтказилиши учун Тошкент Давлат университетининг танланганлиги тасодифий эмас. Олий ўқув юрти 1956 йилдан бери Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари учун юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаб етиштирмоқда.

Мусобақалар кундалиги

БУГУН

«Текстильщик» стадионида қўл тўпи бўйича турнир бошланади. Ғолиблик учун 17 қизлар ва 17 болалар командалари курашадилар. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг саралаш турнири бошланади.

Ўзбекистон қизлар терма командаси кеч-қурун белоруссиялик тенгдошлари билан беллашадилар. Ўсмирлар командаси эса грузиялик спортчилар билан баҳслашади.

Республикамиз ёш гандболчилари кейин Литва, Қозоғистон, Арманистон, РСФСР терма командалари билан беллашадилар. Гандболчи қизларимиз эса Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва Украина терма командалари билан куч синашади.

Эртага республикамиз қизлар командаси украиналик тенгдошлари билан, болалар эса литвалик тенгдошлари билан ўйнашади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Шаҳримиздаги сопол буюмлар заводининг меҳнаткашлари Венгриядан олинган буюртма бўйича миллий бадиий сопол буюмларининг янги намуналарини тайёрладилар. Ажойиб нақшлар туширилиб, сирланган лаган, коса, ваза, пиёла ва чой наборлари шулар жумласидандир. Заводга ташриф буюрган венгриялик экспертлар, Тошкент корхонасининг маҳсулотларини мамлакатимизда севиб харид қилишади, деб таъкидладилар.

Яқинда завод ўз маҳсулотларини Краснодар, Мурманск ва Красноярскка жўнатди. Мамлакатимизнинг ўндан зиёд бадиий салонлари корхона маҳсулотларини олиб турибди.

●

Республика Композиторлар союзида оммавий музика жанрлари ва эстрада комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда республикамиз бастакорлари ва композиторларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб яратган янги музика асарлари муҳокама қилинади.

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда** 24 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 33—35 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ-ИОРДАНИЯ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ ЙЎЛЛАРИ

Меҳмонлар Бухоро областини бўйлаб сафар қилдилар. Улар зардўзлик фабрикасида бўлдилар, унинг маҳсулотлари билан, ишчиларнинг меҳнати ва турмуши билан танишдилар. Дўстлик кунларининг қатнашчилари Абу Али ибн Сино туғилган Афшона посёлкасида улуғ алломa музейи экспонатларини кўздан кечирдилар.

3 сентябрь куни Иордания-Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси Тошкент билан танишди. Яқин Шарқ мамлакатининг намояндалари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, метрополитен станцияларини, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар.

Дўстлик байрамининг қатнашчилари «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчиларининг меҳмони бўлдилар. Улар корхона цехларида бўлиб, завод ишчилари, раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Бу корхонанинг маҳсулотни мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам, шу жумладан кўпгина араб давлатларида ҳам жуда машҳурдир.

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида Иордания рассомлари ва фотоусталарининг асарларидан иборат экспозиция ҳамон муваффақиятли намойиш этилмоқда. Ҳозиргача неча юзлаб тошкентликлар ва шаҳар меҳмонлари шу асарларни келиб кўрдилар.

* * *

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида Иордания тасвирий, декоратив-амалий санъати ҳамда фото асарларининг виставкаси катта муваффақият билан намойиш этилмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги иордан халқининг бугунги ҳаёти ва анъаналари ҳақида, ривожланиб бораётган совет — иордан дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни катта қизиқиш билан томоша қилаяпти.

СУРАТДА: Иордания делегацияси кўргазмалар залида.

Р. Нуриддинов фотоси.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҳисобот ва сайловлар

ОЛДИНДА — КАТТА ВАЗИФАЛАР

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-цехи партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши қизиқарли ўтди. Унда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг тавсиялари ва йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришни таъминлаш бўйича цех партия бюроси вазифалари муҳокама этилди ва конкретлаштирилди. Партия бюроси секретарининг ўринбосари И. Е. Силченко цех партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган ишларини ва мавжуд резервларни таҳлил этди. Докладчи шуни таъкидладики, цех коллективи шу йил бошидан иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаб, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилади. Биринчи ва иккинчи кварталларда шартнома планлари бажарилди. Коллектив планга қўшимча қўплаб маҳсулотлар етказиб берди, 370 минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрланди.

Цех ишчилари номенкулатура бўйича ва товар маҳсулоти бўйича экспорт буюмлар етказиб бериш планини бажаришди. Пландаги 157 минг ўрнига 260,3 минг сўмлик экспорт маҳсулотлари тайёрланди.

Ҳисобот даврида цех коллективи мамлакат халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини яхшилади. Биринчи ва иккинчи кварталларда шартнома планлари бажарилди. Коллектив планга қўшимча қўплаб маҳсулотлар етказиб берди, 370 минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрланди.

Ўтган йилга нисбатан металл конструкциялар тайёрлаш участкаси ўз ишини яхшилади. Шу билан бирга докладчи шуни таъкидладики, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда, давлат плани ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда цех партия бюроси бир қанча камчиликларга йўл қўйди. Натижада бригадир ва мастерларнинг меҳнатни ташкил этиш, бир маромда ишни таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш борасидаги масъулияти етарлича оширилмади. Илғор тажрибаларни ёйишда ҳам нуқсонларга йўл қўйилди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишлар бўш олиб борилди.

Ташкилий-партиявий ишларда нуқсонларга йўл қўйилди. Цехда 65 комсомол аъзоси бор. Уларнинг кўплари ишлаб чиқариш илғорлари бўлсада, энг муносибларини КПСС сафига қабул қилиш ишига етарлича эътибор берилмади. Бу партия бюроси ва цех коммунистларини ва н г ишидаги нуқсон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам комсомол ташкилоти иши ҳозирги талаблар даражасида эмас. Комсомолга раҳбарликни яхшилашга эришиш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда коммунистлар ролини ошириш ҳақида сўзга чиққанлар жон куйдириб гапиришди.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлардан Р. Ашмасов, Н. Панич ва бошқалар цехда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилашга эътиборни қаратдилар. Бу борада цехда етарлича назорат ўрнатилмаган. Табелчи онда-сонда ишлайди, ишлаган вақтида ҳам фақат пропуск тўплаш ва тарқатиш билан машғул бўлади. Цехда ишга кечикиб келиш ва ишдан эрта кетиб қолишлар мавжуд. Цех партия ташкилоти мастер ва бригадирларга талабчанликни ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга қарши қатъийроқ кураш олиб бориши керак.

Партия йиғилишида сиёсий-оммавий ва идеологик ишларни яхшилаш ҳақида жиддий гап борди. Ҳисобот даврида цех коллективи учун ҳар ойда турли мавзуларда лекциялар уюштирилди, бироқ лекция ва суҳбатларга ишчилар жуда кам келишди. Бу жиддий нуқсондир. Цехда кўргазмали агитация бор. Аммо у бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Коммунист В. М. Приходько бошчилик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабида коммунистлар таълим олишади. Коммунистлардан Усмонов, Фоменко, Корнеев ва бошқалар машғулотларга фаол қатнашдилар. Аммо айрим коммунистлар машғулотларга масъулиятсизлик билан қарадилар, ҳолбуки коммунистлар ҳар соҳада етакчи бўлишлари керак, бошқаларни ўз ортларидан эргаштиришлари лозим. Коммунист билимларга бой, ғоявий эътиқодли, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш тажрибасига эга бўлмоғи зарур. Янги сайланган партия бюроси цех коммунистлари ва меҳнаткашлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш чораларини кўриши керак.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига амал қилиб, цех коммунистлари давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш ва ошириб бажаришни ҳеч сўзсиз таъминлаш бўйича якдиллик билан қарор қабул қилдилар. Бунда асосий эътибор номенклатура бўйича планларни бажаришга, буюртмаларни ўз вақтида бажариб беришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаб сарфлашга қаратилди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга муттасил эътибор берилади. Қисқаси, цех коммунистлари олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди.

М. БАЙДЕБОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари — ҳаётга!

МЕҲНАТНИНГ БРИГАДА ПУДРАТИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК

«ДУМАЛОҚ СТОЛ» АТРОФИДА СУҲБАТ

«РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОЛДИДА ТУРГАН МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК ФОРМАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШНИ, ПЛАНЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ САВИЯСИНИ ОШИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Партия қарорларида таъкидланганидек, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули — энг самарали меҳнат формаларидан биридир. У тобора оммалашиб ва ривожланиб, кўпгина меҳнат коллективларидан мустаҳкам ўрин эгаллаяпти. Бу илғор усулнинг янгидан-янги фойдали қирралари очилмоқда. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг пленумларида уқдириб ўтилганидек, жойларда бригада пудрати методини жорий этишга етарли эътибор берилмаяпти, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларига мурожаат этилмаётир.

Ваҳоланки, бригада пудрати методи асосида ишлаётган коллективларда меҳнат унумдорлиги бир мунча юксак суръатлар билан ошмоқда. Иш вақтининг зое кетиши камаймоқда, моддий ва меҳнат ресурслари тежаб сарфланмоқда, ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш чинакам коллективчилик, ўзаро талабчанлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳини қарор топтириш имкониятлари очилмоқда.

Бу борада пойтахтнинг Ленин районн меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ишга Ленин район партия комитетн бош-қош бўляпти. Унинг ташаббуси билан саноат, қурилиш, транспорт корхоналари қошида тез-тез «Думалоқ стол» атрофида суҳбатлар уюштирилиб, бу самарали усулни қандай жорий этиш, уни жадаллаштириш, ривожлантириш, такомиллаштириш, бу борада кўпдалаиг бўлаётган масалалагни ҳал этиш бўйича ўзаро тажриба алмашилади. Навбатдаги «Думалоқ стол» атрофидаги суҳбат қурилиш ташкилотларида бригада пудратн методи қандай жорий этилаётганлигига бағишланди. Ленин районидаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарлари, бригадир ва қурувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан бўлган суҳбатни Ленин район партия комитетининг секретари М. Е. Фузулова олиб борди.





СУРАТЛАРДА: «Думалоқ стол» атрофидаги суҳбат иштирокчилари.

М. Нуриддинов фотолари.

Қолоқ деб бўладими?

А. КРЮКОВ,
қурилишда сифат ва самарадорликни ошириш бўйича жамоатчи советининг раиси, доцент.

— Бригада методи асосида иш юритиш деганда, биз аввало ягона наряд асосида меҳнат қилиш, бригадага биркитилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ҳамда ишнинг пировард якунига кўра ҳақ тўлашни тушунамиз. Ягона наряд асосида меҳнат қилинар экан, ҳар бир ишчи ўз масъулиятини чуқурроқ ҳис қилиши билан бирга касбдошининг сифатсиз, унумсиз меҳнат қилишига бефарқ қарамайди. Бу ерда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» принципи қарор топади.

Албатта, ҳар қандай янгилик жорий этилаётганда қарама-қаршиликлар, қийинчиликлар сўзсиз учрайди. Бу табиий, албатта. Дастлаб ягона наряд асосида меҳнат қилиш айрим кишилар ўртасида нотўғри тушунчалар келтириб чиқарди. Чунончи, баъзи қурувчилар «кечагина ишга келган тажрибасиз ишчилар нега энди биз билан бир хилда маош олиши керак экан», деган саволни қўндаланг қўядилар. Ҳозир бу саволга жавоб беришнинг ҳожати ҳам қолмади. Амалда ишни ана шу усулда юритиш моддий жиҳатдан анча фойдали эканлиги исботланди. Ҳозирда районимизда 120 тадан ортиқ бригада қурилиш-монтаж-ишларини бригада пудрати методи асосида ишлаб, амалга оширмоқда.

Луқма: — Ишнинг бригада методи самарадорлиги ҳақида гувоҳлик берувчи мисолларни келтира оласизми?

— Бўлмасамчи, районимизда прогрессив методни жорий этиш бўйича юксак кўрсаткичларга эришаётган ташкилотлар анчагина. «Ташсантехгазмонтаж», «Средазстроймеханизация», «Средазтранспстрой» трестлари шулар жумласидандир.

Луқма: — Бригада пудратини жорий этишда районни ортга судраётган ташкилотлар борми? Бўлса, бу коллективларда уни жорий этиш бўйича маълум ишлар амалга ошириляптими?

— Биз планни бажармаган корхонани қолоқ ҳисоблаймиз. Бу тўғри. Лекин бригада пудратини жорий этишда сусткашлик қилаётган ташкилотларни қолоқ деб бўладими? Менимча, ҳа. Ахир улар йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларида «бригада пудратини жорий этамиз» деб оғиз кўпиртирганлар-ку! Бундай ташкилотлар афсуски бор. «Ташдорстрой» трести, «Узпромвентиляция» трестининг ишга тушириш-созлаш ишлари (УПНР) бошқармаси, «Узсантехгазмонтаж» трести, «Транссигналстрой»нинг 820-қурилиш-монтаж поезди бу прогрессив усулни жорий этишда ўта сусткашлик қиляптилар.

Агар 1982 йили бу ташкилотларда бригада пудрати методи асосида бажарилган ишлар ҳажми 35 процентдан 65 процентни ташкил этган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 25,6 процентдан 46,9 процентга тушиб қолди. Бу йилги аҳволни гапирмаса ҳам бўлади...

Рақамлардан кўриниб турибдики, бу қурилиш ташкилотларида бригада пудрати методини жорий этишга етарли эътибор берилмаяпти. У йилдан-йилга суслашиб боряпти. Ўйлаймизки, юқорида номлари тилга олинган ташкилотларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар. Бу ишда албатта партия ташкилотлари жонбозлик кўрсатмоқликлари керак.

Сифатли ишга — кафолат

Б. НАЗАРОВ,
«Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармасининг газ-электрпайвандчиси.

— Социалистик мусобақанинг оммалашиши, янги ташаббусларнинг туғилиши, уларнинг кенг қулоч ёйиши келгуси муваффақиятлар гарови эканлиги ҳаммамизга маълум.

Трестимиз раҳбарлари буни яхши тушунган ҳолда кейинги пайтда меҳнат беллашувининг таъсирчан формаларини оммалаштиришга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Бизнинг бригадамиз ҳам Ўзбекистон ССР Махсус қурилиш монтаж ишлари министрлиги системасида биринчилар қатори бригада пудрати методи асосида ишлашга ўтган эди. Аввалига бироз иккиландик. Чунки бригадамизда етти киши ишлайди. Демак, етти характер. Турли мулоҳазаларга ҳам борилди. Бироқ янги методга қизиқиш кучли эди. Енг шимариб аҳиллик билан ягона наряд асосида ишлашга киришдик. Дастлабки натижалар ёмон бўлмади.

Луқма: — Янглишмасам, сизнинг бригадангиз ҳам шаҳарда тўққиз илғор бригаданинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган эди. Унинг натижаси қандай бўлди?

— Ўринли савол. Агар ягона наряд асосида ишламаганимизда бу ташаббусга қўшилишнинг иложи бўлмасди, албатта. Юксак мажбуриятни бажаришда бригада пудрати қўл келди.

«Тўққизлар ташаббуси»га қўшилиб, меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент ошириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент қисқартиришни бўйича олган мажбуриятимизни муваффақиятли уддалаяпмиз. Бундан сўнгги квартал якунлари яққол далолат бериб турибди...

Луқма: — Наҳотки, ишларингиз сип-силлиқ кетаётган бўлса! Қийинчиликлар йўқми? Ердамчи пудратчилар сизларга ўз вақтида иш фронти очиб берадими?

— Юксак натижаларга эришиш албатта пудратчи бригадаларининг ўз кучига, ташаббусига, фидокорлигига боғлиқ. Ҳамма гап ҳар бир қурувчининг ўз масъулиятини чуқур ҳис эта билишидадир. Шунингдек, маъмурият томонидан ҳам шарт-шароитлар яратилиши керак.

Тўғри, қийинчилик ҳамма жойда бор. Айниқса, бизнинг ишда баъзан объектларда ишчи кучи ва материал ресурслар етишмай қолади, улар гоҳида нотўғри тақсимланади. Буларнинг ҳаммаси объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишига халақит беради. Иш фронтининг ўз вақтида очилиши —бош пудратчи «Главташкентстрой» бўлинмаларининг бир маромдаги ишига боғлиқ...

Луқма: — Шартнома мажбуриятлари қандай бажариляпти? Заводлар ўз вақтида материалларни етказиб беряптими?

— Ҳа, санитария-техника жиҳозлари заводи заготовкаларни ўз вақтида беряпти. Лекин келтирилаётган заготовкалар комплектланмаган. Шу сабабли қимматли вақтимизнинг 30 процентн заготовкаларни қайта комплектлашга кетади...

Лекин шунга қарамай бошқармамизнинг хўжалик ҳисобидаги бригадалари 1- ва 2-уйсозлик комбинатлари ва «Жилстрой» трестининг пудратчи бригадалари билан ҳамкорликда ўн биринчи беш йилликнинг уч йилида 1,5 миллион квадрат метрга яқин турар жойни яхши сифат билан, монтаж ишлари муддатини 1183 кунга қисқартирган ҳолда фойдаланишга топширдилар. 50 процент турар жой кафолат паспортлари билан топширилмоқда.

Касб маҳоратини ошириб

А. ПРОКОПЕНКО,
«Средазтранспстрой»трести бош инженери.

— «Средазтранспстрой» трести бўлинмаларида ўз составига 700 кишини бириктирган 44 та хўжалик ҳисобидаги бригада меҳнат қилмоқда. Улар анъанавий комплекс қурилиш бригадалари асосида ташкил этилган. Бригададаги кишилар сони, профессионал-маҳоратли ишчилар—бригадага топширган ишга ва унинг тугалланиш муддатларига қараб белгиланади. Вазифа ва муддатга биноан бригадалар зарур бўлган асбоб-ускуналар, кичик механизация воситалари, мослама ва анжомлар билан таъминланади. Йилнинг биринчи кварталида хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг йил бўйи амалга оширадиган вазифалари график асосида ишлаб чиқилган.

Луқма: — Пудратчи бригадаларнинг ишини яхшилаш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Менимча, меҳнатни рағбатлантириш ва ташкил этишнинг коллектив формаларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — пудратчи бригадаларни мустаҳкамлашдир. Бизнинг трестимизда 1982 йилга нисбатан 12 киши ўрнига 15 кишигача бўлган бригадалар мавжуд. Бу бригадалар составига ҳеч иккиланмай машинист, кичик механизацияни созлаш бўйича слесарларни биркитиш лозим. Чунки улар бригадаларда меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайдилар.

Яна энг муҳими, бригаданинг ҳар бир аъзоси турдош касбларни пухта эгаллаб олишидир. Улар ўз устларида тинмай ишлашлари, касб маҳоратларини оширишлари керак.

Луқма: — Сизларда бригада советлари ташкил этилганми? Уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Албатта бор. Ҳозирдаги муҳим масалалардан бири, бригада советларининг ролини оширишдир. Чунки ҳамма бригадаларда уларни яхши ишлашяпти, деб бўлмайди. Ҳар бир бригадир қурилиш материалларини қатъий ҳисобга олиши керак. Негаки, кўп ҳолларда ҳужжатларда материал олинган, берилгани тўғрисида бригадирнинг қўли бўлмайди. Бу ўта хўжасизликдир. Бунга барҳам бериш лозим. Шунинг учун ҳам бизда тежамкорлик учун мукофот жорий этилган. Бу мукофот иқтисоднинг 60 процентини ташкил этади. Шундан 80 процентн ишчиларни мукофотлашга, 20 процентн эса тежамкорликда фаоллик кўрсатган инженер-техник ходимларга, хизматчиларга берилади.

Коммунистларнинг муҳим иши

В. КОЖЕДУБ,
8-трест партия комитети секретари.

— Бригада пудратини кенг жорий этиш, уни такомиллаштириш трест партия комитетининг доимий диққат эътиборида турибди. Бу масала партком ва партия йиғилишларида, бригадирлар иштирокидаги мажлисларда муҳокама қилиб борилади. Ўтган йили ўз кучимиз билан бажариладиган ишларнинг 72 процентини бригада пудрати методи асосида амалга оширдик.

Луқма: — Пудратчи бригадаларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун нима қилиняпти?

— Таҳлил ишлари шуни кўрсатмоқдаки, бригада пудрати методи асосида ишлаётган бригадаларда меҳнат унумдорлиги 14 процент юқори бўляпти. Уларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган, кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилган.

Буни уч бригада мисолида кўришимиз мумкин. И. Юнусов, Н. Голуб, Н. Клочков бошлиқ бригадаларга энг масъулиятли участкаларни ишониб топширамиз. Чунки бу бригадалар ишга масъулият билан ёндошишади. Бунда энг муҳими бригадаларнинг ҳар бир аъзоси ўз бурчини виждонан, ҳалол бажаришидадир.

Бригада пудратини кенг жорий этиш ва такомиллаштириш учун бригадир ҳам, мастер ҳам, бошқарма бошлиғи ва тегишли инженерлик хизмати ходимлари ҳам бу ишга оқилона ёндошсалар у янада самаралироқ бўлади. Юқорида номлари қайд этилган бригадалар буни ўз фаолиятларида исботламоқдалар.

Луқма: — Қурилишнинг боришига партиявий таъсир ўтказиш ва уни кучайтириш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Бунинг учун объектларда вақтинчалик партия группалари ташкил этмоқдамиз. Уларга буюртмачи, бош пудратчи ва барча турдош ташкилотларнинг вакиллари — коммунистлар биркитилган. Ана шу партия группалари объектларни ўз вақтида ишга тушириш учун мақсадга мувофиқ ишларни олиб боряптилар. Партия группалари йўқ бригадаларда эса таълим-тарбия, ғоявий-сиёсий ишлар партия ташкилотчилари томонидан амалга оширилмоқда.

Луқма: — Бригада пудратини жорий этишда шартнома тузиш катта аҳамиятга эга. Бу борадаги ишлар қалай?

— Шартнома мажбуриятлари ўзини оқлаяпти. Бундай шартномаларни «Ташсантехгазмонтаж» ва «Ўзэлектромонтаж» трестлари билан тузганмиз. Шунингдек биз қурилишда узлуксиз бригада пудратини ҳам жорий этишни мўлжалламоқдамиз. Бунда объектни қураётган барча турдош ташкилотлар билан шартнома тузилади.

— Луқма: — Бригада пудратини кенг жорий этиш учун нималар ҳалақит беряпти? Проблемалар борми?

— Кўпинча объектларни айрим қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлашда узилишлар бўлади. Бу эса пудрат шартномасининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, бир бригадани иккинчи объектга ташлаш шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигига олиб келади. Пудратни жорий этишда кўпинча социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги, ошкоралиги сезилмайди. Бригада пудратини моддий рағбатлантириш яхши эмас. Шу билан бирга айрим раҳбарлар бу илғор усулни жорий этиш учун астойдил жон куйдирмайдилар.

Умуман биз бригада пудрати методи асосида ишлаш тарафдоримиз. Чунки унинг уфқлари, имкониятлари кенг. Бу умумманфаат йўлида жуда фойдали усулдир.

«Думалоқ стол» атрофидаги долзарб мавзудаги суҳбат ниҳоясига етди. Суҳбат якунида районда бригада пудрати методини жорий этишда партия раҳбарлари, бригадирлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг фаолликлари алоҳида таъкидланди. Бугунги суҳбатда бригадаларни шакллантириш, уларни моддий-техника базасини ва кадрлар билан мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш, ташкилий ва сиёсий ишларни яхшилаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, бригада пудратини кенг жорий этиш ва ривожлантириш хусусида фикр ва мулоҳазалар айирбошланди. Бу суҳбат ўта фойдали бўлди. Лекин суҳбатлардан маълум бўлдики, ҳали район қурилиш ташкилотларида бригада пудратини жорий этиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Юқорида номлари қайд этилган ташкилотларда бу иш оқсамоқда.

Бу шу куннинг талабига зиддир. Партиянинг иқтисодий стратегияси илғор иш усулларини кенг жорий этишни, ташаббускорликни, социалистик мусобақанинг қирраларини очишни ва унинг таъсирчанлигини оширишни, булар асосида юксак сифат ва самарадорликка эришишни тақозо этади. Бас, шундай экан мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари, инженерлик хизмати ходимлари бугунги кунда энг самарали усул эканлигини ҳар томонлама оқлаётган бригада пудрати методини кенг жорий этишга асосий диққат-эътиборни қаратмоқликлари лозим. Айниқса бошланғич партия ташкилотлари бу ишда бош-қош бўлмоқликлари керак. Ана шундагина биз КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область ҳамда шаҳар партия комитетлари пленумларида тилга олинган вазифаларни бажариш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш имконига эга бўламиз.

«Думалоқ стол» атрофидаги суҳбатни Тўхтамурод ТОШЕВ ёзиб олди.

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссиясида

ТЕЖАМКОРЛИК РЕЖИМИГА ҚАТТИҚ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Куйбишев район ҳалқ хўжалиги тармоқларида ёнилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини тежаш бўйича тадбирларнинг бажарилиши масаласи кўриб чиқилди.

Куйбишев район комиссияси ишини анализ қилиш шуни кўрсатдики, район саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида хом ашё, материаллар ва энергия ресурсларини тежаш бўйича сезиларли ютуқларга эришиляпти. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, 8-автобаза, 1-қурилиш бошқармаси ва бошқа коллективлар сезиларли ютуқларга эришди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 1983 йилда ва 1984 йилнинг ярмида районнинг корхона ва ташкилотларида 3.132 тонна металл, 2,5 минг кубометрдан кўпроқ қурилиш материаллари, 1200 тонна цемент, 7 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергия, 16 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежалди.

Шу билан бирга бу муҳим ишда жиддий нуқсонлар ҳам бор. Жумладан, шу йил учун бутун район бўйича 9.347 шартли тонна қозонхона ёқилғиси тежалиши лозим бўлгани ҳолда, ярим йилда 3.748 шартли тонна қозонхона ёқилғиси тежалди. Пландаги 29.779 гигакалорий ёқилғи ўрнига 4.519 гигакалорий ёқилғи тежалди. Биринчи ярим йилликда 33 тонна автобензин тежалиши ўрнига 90 тонна бензин ортиқча сарфлаб юборилди. Олти ой мобайнида 4.410 минг киловатт-соат электр энергияси-ни тежаш ўрнига 3077 минг киловатт-соат электр қуввати фақатгина дизель ёқилғидан пландаги тежамга эришилди.

Маълумки, Куйбишев район хўжалик раҳбарлари томонидан моддий хом ашё ресурсларини тежамаслик, уни лимитдан ташқари 1 миллион сўмлик ортиқча сарфлаб юборишга олиб келди. Бунинг натижасида 1984 йилнинг биринчи ярмида таннарх 826 минг сўмга қимматлашиб кетди. Бундан 40 проценти брак (154 минг сўмлик) ва ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган харажатлар натижасида (225 минг сўмлик) юз берди.

Жумладан, «Ташавтоматика», лак-бўёқ, экскаватор заводларида, «Узбекгазмаш» бирлашмаси ва Тошкент 1-тажриба экспериментал механика заводида бош энергетика хизмати фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бош инженерлар бош энергетик хизмати ишини назорат қилмайди. Энергия ресурсларини нормасини ишлаб чиқишда ва назорат қилишда иштирок этишмайди.

Шундай қилиб, талайгина резервлар бор — район комиссияси улардан фойдаланишга барча корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини эътиборини қаратишлари керак.

Шаҳар комиссияси ишида Куйбишев районида ёнилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини тежаш учун кураш кучайтириш ва район комиссиясининг бу ишдаги ролини ошириш бўйича тавсиялар ва йўлланмалар берилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов олиб борди.

Комсомол аъзоси, йиғувчи-слесарь А. Никитинни «Ўзбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпчилик яхши билади ва ҳурмат қилади. Бу ишчи касбини севиши, ҳалол меҳнат қилиши туфайли ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Илғор ишчи шу кунларда ҳам смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этиб, фақат аъло сифатли деталлар тайёрлаяпти.

СУРАТДА: илғор йиғувчи-слесарь А. Никитин.

М. Нуриддинов фотоси.

Совет китоблари байрами

Бугун Тошкентда Бутуниттифоқ китоб ярмаркаси очилди

Бугун «Юбилейний» спорт саройи олдидаги майдонда Бутуниттифоқ китоб ярмаркаси тантанали суратда очилди. У «Китоб — миллий маданиятлар тараққиёти хизматида» шиори остида ўтмоқда. Тошкентга барча система ва идораларга қарашли 300 га яқин китоб савдоси ташкилотининг вакиллари келдилар. Улар орасида республика, ўлка ва область китоб савдоси ташкилотлари, «Военкнига», «Академкнига», «Транспорт» нашриётлари, «Книгаэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси бор.

Ярмаркада 25 мингга яқин номдаги китоб намойишга қўйилган. Ижтимоий-сиёсий, илмий-техник, қишлоқ хўжалигига оид асарлар, бадиий ва болалар адабиёти, санъат бўйича китоблар, қўлланмалар, жажжи нашрлар шулар жумласидандир.

«Ташкнига» ва Тошкент область китоб савдоси бошқармаси ходимлари ярмаркада мингдан ортиқ китобни ўз ичига олган катта экспозицияни намойишга қўйганлар.

Ярмарка СССР халқларининг рус ва бошқа тилларида чоп этилган кўп миллатли адабиётини кенг алмашлаш, олдинги йилларда нашр этилган китобларни китоб савдоси корхоналари ўртасида қайта тақсимлаш воситасида товар оборотига қўшиш имконини беради. Ярмарка фондларни алмашлаш ва савдо-сотиқ учун хизмат қилибгина қолмай, мамлакатимиз халқлари яратган маданий бойликларни ўзаро айрибошлаш имконини ҳам беради.

— Улгуржи китоб ярмаркаси қардош республикалар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада кенгайишига, маданиятларнинг ўзаро бирбирини бойитишига хизмат қилади,— дейди Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасининг бошқарувчиси С. И. Йўлдошев.

Ярмарканинг иш кунларида Тошкентдаги Навоий номли театр биноси ёнида, олий ўқув юртлари шаҳарчасида, шеърият хиёбонида, пойтахт область Оржоникидзе район «Қибрай» посёлкасида китоб байрамлари ўтказилади. Шоирлар ва ёзувчилар билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтади.

Китобсеварлар китоб бозорларида барча қардош республикалар нашриётлари томонидан чоп этилган адабиётларни харид қилишлари мумкин.

Беш кун мобайнида китоб, унинг яратувчилари ва тарқатувчилари билан қизиқарли учрашувлар бўлади.

Р. ИГНАТОВА.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган рассомларнинг Тошкент нашриётларида чоп этилган китобларига ишланган суратлари. Рассом В. Апухтиннинг Ғафур Ғулом асарига, М. Кагаровнинг Константин Симоновнинг «Тириклар ва ўликлар» романига чизган суратлари.

О. Апухтин фотоси.

Янги китоблар

«ЧИМЁН ТОҒЛАРИДА»

Пойтахт областининг жанубий тоғ бағрида жойлашган «Чимён» ўзининг сўлим оромбахшлиги билан барчанинг диққатини жалб этади. У ерда меҳмонхона комплекси ишга туширилиши муносабати билан дам олувчилар учун талай имкониятлар яратилди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган минглаб туристлар бу оромгоҳда яшаб, яхши ҳордиқ чиқармоқдалар.

«Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқарилган «Чимён тоғларида» деб номланган китоб ана шу ҳақда ҳикоя қилади. Унинг муаллифи шаҳримизнинг машҳур географи ва ўлкашуноси, СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Анатолий Кольбинцев қизиқарли саҳифаларда бу масканнинг мўъжизали сеҳри ҳақида ҳикоя қилади.

• Бир шингил табассум

ХАНДАЛАР

СИЗНИНГ ЁШИНГИЗДА

Ота: — Ўғлим, кейинги пайтларда ўқимасдан ялқов, дангаса бўлиб кетаяпсан. Авраам Линкольн ахир сенинг ёшингда аълочи ўқувчи бўлган-ку.

Ўғил: — Гапингиз тўғри, дада, лекин сиз айтган ўша жаноб Линкольн сизнинг ёшингизда президент бўлган эди-ку.

ИККИ ОЁҚДА

Ўқитувчи: — Товуқ тарози палласида бир оёқда турганда икки килограмм тош босади. Икки оёқда турса-чи?

Ўқувчи: — Тўрт килограмм!

МАШҚ

Эрвин исмли бола ёмон ўқиганлиги учун синфдан синфга кўчиши қийин бўлиб қолди. Ўғлини рағбатлантириш мақсадида отаси унга:

— Ўғлим, яхши ўқиб баҳоларингни тузатсанг, албатта велосипед олиб бераман, — деб ваъда қилди. Чамаси бир ҳафтадан сўнг падарибузруквор дангаса ўғлига деди:

—Хўш, йигитча, айтчи, кейинги кунларда нима қилдинг?

— Велосипед ҳайдашни машқ қилдим, дада!

ИМТИҲОНДА

Йирик немис физиги, нотаниш икс нурлари ихтирочиси Вильгелм Конрад Рентген кунларнинг бирида нўноқ талабадан имтиҳон оларди. Иккинчи марта синовдан ўтаётган мазкур студент бу сафар ҳам профессорнинг саволига жавоб беролмай, оғзида мум тишлаб ўтирарди. Ниҳоят, Халқаро Нобель мукофоти лауреати энг осон савол билан ўқувчисига мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, азизим, лекцияни сизларга ким ўқиган?

Йигитча жавоб қайтаргач, машҳур олим киноямуз уни мақтаган бўлди:

— Балли, азамат. Ўтган сафар ҳатто шу нарсани ҳам билмаган эдингиз!

УЙ ВАЗИФАСИ

Ўқувчи қўнғироқдан сўнг биринчи соатга ҳийла кечикиб кирди.

— Нега кечикдинг, нима бўлди? — қизиқсинди аллақачон янги дарсни бошлаган ўқитувчи.

—Менга қуролланган бандит ҳужум қилди!

—Вой, худойим-э! Нималарингни тортиб олди у безори?

—Уй вазифаларимни!

ПИРОЖНИЙ ҚОЛМАБДИ

— Эрна, музхонадаги пирожнийнинг ҳаммасини еб тамомлабсан-ку, қизим?

— Ҳа, ойижон. Ахир дадамлар ҳар доим менга «Бугунги ишингни эртага қўйма!» деб уқтирадилар-ку!

Немисчадан Бойхўроз **МАМАТҚУЛОВ** таржимаси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

ЛАЗЕР НУРИ КОНТРОЛЕР

Сув юзига ёйилган нефть пардасига кўзга кўринмас ультрагунафша нур тушди ва шу заҳоти прибор экранига денгиз юзининг нечоғлик ифлосланганлиги тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди. СССР Гидрометеорология давлат комитети Ереван аэрозол приборлар ва тутқичлар махсус конструкторлик-технолог и я бюросида яратилган флуориммер прибори сув муҳитидаги аралашмаларни шу тахлитда лазер нури билан озонлайди.

Кўп мақсадларда ишлатиладиган бу қурилма аралашма таркибини 200 метргача наридаги масофадан ҳам аниқлаб бера олади. Шунинг учун ҳам у самолёт ва вертолёт ичида туриб, ишлатилиши мумкин. Унинг иш принципи бундай: қайтиб келган лазер нури кўзга кўринадиган диапазондаги 16 хил рангга ажратилади. Булар сув таркибида нефть маҳсулотлари, органик моддалар қанча эканлиги тўғрисида маълумот келтиради. Бу маълумотлар иш жараёнида микроэлектрон ҳисоб машина ёрдамида магнит дискларга ёзилади.

Приборни Клайпеда гидрометеорология обсерваториясининг «Лев Титов» илмий тадқиқот кемасидаги экспедиция қатнашчилари синаб кўрдилар. Унда уч ҳафта мобайнида Балтика денгизида ўнлаб ўлчовлар қилинди.

ПИТРА НЕГА КЕРАК?

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришидаги кўпгина технологик жараёнлар самарадорлиги ва сифати унда қуйилма пўлат питра (золдир) ишлатилганлигига боғлиқ бўлади. Уни ҳосил қиладиган биринчи установка «Град» Украина ССР Фанлар академиясининг қурилмалар проблемаси институтида яратилган бўлиб, Ильич номидаги Жданов металлургия комбинатида ишлаб бошлади.

Чўмичдан бакка қуйилувчи эриган металл кучли ҳаво оқими воситасида тўзғитилади. Шунда учаётиб қотган пўлат томчилари совуқ сувга тушади. Кўкнори уруғидан нўхотгача катта-кичик ҳар хил питра ғалвирдан ўтказилиб, қуритилганидан сўнг йиғиб олинади. Украиналик мутахассислар шу жараённи таклиф этдилар. Бу усул қўпол термик ускуналардан фойдаланишга эҳтиёж қолдирмайди. Олимлар йилига 50 тоннадан 5 минг тоннагача маҳсулот берадиган бир қанча шундай установкаларни ишлаб чиқдилар.

(ТАСС).

ЦИРК

Дўстлик ва санъат кўриги

«Интерцирк — 84» деган сўзлар бугун фақат афишалардагина эмас, кўплаб тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг тилида ҳам такрорланмоқда.

Социалистик мамлакатлар цирк усталари Тошкент цирки биносида хилма-хил, қизиқарли программани намойиш этмоқдалар. Тўғрисини айтганда, хилма-хил номерларнинг энг сарасини ажратиш қийин. Лекин программада алоҳида маҳорат билан ижро этиладиган аттракционлар, кўзбойлоқчилик л а р бор.

Ёш монгол артисткаси Магданинг чиқишлари, венгриялик Юлия ва Леопольд Домлертларнинг ўргатилган отлари, совет ҳаво гимнастикачилари Теплицкийларнинг ўйинлари томошабинларни мафтун этади. Болгариялик артистка Сладка Мечкарованинг чиқиши эса биринчи бўлимнинг энг ҳаяжонли томошаси бўлди. Болгариялик эквилибрист қиз ўзининг юксак маҳоратини намойиш этиб, барча машқларни жид ва насофат билан ижро этди.

«Интерцирк — 84» программасида ўргатилган ҳайвонлар кам. Чунки шиддатли, кувноқ цирк томошаси шаклидаги программада шундай бўлиши ҳам табиий. Венгриялик санъаткорлар Юлия ва Леопольд Домлертларнинг отларни ўргатишдаги маҳоратини айтиб ўтган эдик. Аммо программа якунида саҳнага машҳур туркман цирк усталари Аннаевларнинг қуюқ ёлли хушбичим отлари отилиб киради. Бу аттракционни туркман чавандозларининг машҳур циркчилар сулоласи бошлиғи, Туркманистон ССР халқ артисти Омонгелди Аннаев саҳналаштирган. Унинг иштирокидаги отлар ўйинига ўнлаб чет мамлакатларнинг томошабинлари қарсак чалишган. Бельгия чавандозлари федерацияси совет артистларига ўзининг бош совринини берганлиги ҳам бежиз эмас.

Агар венгриялик ўргатувчилар томошабинларни отларнинг аниқ ҳаракатлари, классик нафосати билан мафтун этсалар, туркманистонлик санъаткорлар шиддат, ёркинлик, миллий от спорти ўйинлари белгилари акс этган томошалари билан лол қолдирадилар.

Халқаро цирк программаси ана шу томоша билан якунланади. Агар Тошкент циркининг оркестри ҳам шовқин-суронни авжга чиқармай, маҳорат билан томошага жўр бўлганида, албатта цирк спектаклининг жозибаси янада кучлироқ бўлур эди. Спектакль томошабинлар эътиборини козонаётганлигини эса цирк директори Баҳром Жалилович Мажидов келтирган қуйидаги рақамлар ҳам исбот этади: «Интерцирк-84» томошаларини ҳозиргача ярим миллионга яқин киши томоша қилди.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

* * *



Суратларда: «Интерцирк-84» томошасидан лавҳалар.

М. Нуриддинов фотолари.

• Ҳайвонот олами сирлари

МАНА БУНДАЙ ПАРҲЕЗ!

Балхаш балиқ заводида (Қозоғистон) ташкил этилган музейда тангалар, тугма, милтиқ гильзалари, тошлар, полиэтилен қоплари тўпланган. Бир қарашда бундай ғалати экспонатларни тўплаш ўз йўлига, бироқ, уларнинг барчаси тутилган лаққа балиқларнинг ошқозонидан топилган. Топилмалар орасида калишлар, шиша идишлар, совун ва ҳаттоки... «Томатланган лаққа» консерва банкасини учратиш мумкин.

Аввалига бу, ғаройиб топилмаларнинг оддийгина музейи эди. Бу билан яқинда мутахассислар қизиқиб қолдилар ва энг йирик лаққа балиқларни овлаш учун одатдаги полиэтилен пленкаси хўрак бўлишини аниқладилар.

ЗАҒИЗҒОННИНГ ҚИЛМИШИ

Ғаразли қилмиш излари яққол кўриниб турар эди: Актюбинск шаҳар омборхоналаридан бирининг қулфидаги контроль қоғоз шикастланган. Бироқ, тунги «меҳмон» омборхонага кирмаган. Кучайтирилган қўриқлаш чоралари натижа бермади, келгуси тунларда барчаси такрорланаверди. Қоровул эшикдан кўзини узмади ва бунинг учун мукофотланди: у сокинлик айбдорини аниқлади. Бу зағизғон бўлиб чиқди. У тумшуғи билан қулфни ағдариб, «контроль қоғози»ни санчар эди.

И. НИКОНОВ

ОТПУСКА АРАФАСИДА

(ЮМОР)

— Чақирдингизми Петр Петрович.

— Кел, ўтир. Отпуска графигини туздингми? Ким қаерга бормоқчи?

— Сидоренко Қримга, Воронков Кавказга, Романова қариндошиникига Курскка, Ютомин Таймирга боради.

— Ўзинг-чи?

— Ўзим Сибирга бормоқчиман, чунки асли сибирликман.

— Шунинг учун ҳам сўраяпман, Сибирь бу ажойиб жой, хўш, нима десам экан, тепаликлар, тайга, дарёлар — Енисей, Ангара...

— О-о-о нимасини айтасиз, Чара, Қуйи Тунгуска, Курейка, Хантайка...

— Тўхта, тўхта, раҳмат. Бор, ишингни қилавер.

Петр Петрович столи тортмасидан кроссвордли газетани олиб, «Сибирдаги саккиз ҳарфли дарё» катакчаларига «Хантайка» сўзини ёзиб қўйди.

Қ. НИЗОМОВ таржимаси.

• ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

ҚОИДАНИ БИЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

Йўл ҳаракати қоидаларини пухта билиш ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги энг биринчи ва муҳим омилдир. Шу сабабли ҳам йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари ҳаракат қоидаларини пухта билишликлари зарурдир. Аммо статистика маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳайдовчи ёки пиёда-йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари туфайли йўлларда ҳамон бахтсиз ҳодисалар учрамоқда.

«ЗАЗ—967 м» маркали г 61—89 ТН номерли автомашинасининг ҳайдовчиси З. Толиповнинг тегишли қоидаларни яхши билмаслиги ёмон оқибат билан тугади. У В. И. Ленин ҳамда Ш. Рашидов проспектлари кесишган чорраҳада ҳаракат қилишдан олдин ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгандагина юриши керак эди. Аммо Толипов бунга амал қилмади. Бунинг натижасида пиёда А. Лини уриб юборади. Ли касалхонага келтирилаётган вақтда ҳаётдан кўз юмди.

Йўл ҳаракати қоидаларида агар пиёдалар ўтадиган жой олдида бирор транспорт воситаси тўхтаб қолган бўлса, бошқа транспорт воситаларининг ҳайдовчилари тўхтаб турган транспорт олдида пиёдалар йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейингина ҳаракатни давом эттиришлари мумкин, дейилган. Ушбу қоидани билиб унга амал қилинганда эди, бу кўнгилсиз воқеа содир бўлмаган бўлур эди.

А. ЭРНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ўрим-йиғим авжида

ВАРШАВА. Польшада ҳосил ўрим-йиғими авжида. ПАП агентлигининг хабар қилишича, кейинги кунларнинг ўзидагина мамлакатнинг тайёрлов пунктларига 700 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб берилди. ПХР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўрим-йиғимни ғоят қисқа муддатларда ўтказиш учун зўр куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Давлат хўжаликлари олдига катта вазифалар қўйилди. Бу йил социалистик қишлоқ хўжалиги секторининг коллективлари 1,2 миллион гектар майдондаги донли экинлар ҳосилини йиғиштириб олишлари керак. Жами 50 миллиард злотийлик фойда олиш планлаштирилган. Ўрим-йиғим ишларининг натижалари ҳозирнинг ўзидаёқ бу йилги мавсум муваффақиятли бўлишидан далолат бермоқда, деди Умумпольша давлат хўжаликлари бирлашмасининг раиси Э. Денбецкий. Давлат хўжаликларида рапс тайёрлаш ниҳоясига етай деб қолди.

Қишлоқ хўжалик техникаси ўз вақтида тахт қилиб қўйилганлиги талай даражада ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Ҳозир далаларда 10 мингта дон комбайнлари ишлаб турибди. Ҳамма жойда меҳнатни ташкил этишнинг самарали методларидан фойдаланилмоқда, деҳқонларнинг транспортчилар билан баҳамжиҳат ҳаракати йўлга қўйилган.

Познань воеводлигининг давлат хўжаликлари пешқадамлар сафида бормоқда, бу ерда ўрим-йиғим тугалланмоқда. Айрим хўжаликларда дон ҳосили гектар бошига 38—39 центнерни ташкил этди. Ярославецдаги давлат хўжалигининг коллективи эса 64 центнерлик рекорд ҳосилига эришди.

БАЛИҚЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТДАГИ ЮТУҚЛАРИ

ХАНОЙ. Вьетнам балиқчилари август революциясининг 39 йиллигини меҳнатда юксак ютуқлар билан нишонламоқдалар. Улар йил бошидан буён 300 минг тоннадан кўпроқ балиқ, майда қисқичбақа ва денгизда овланадиган бошқа маҳсулотларни етказиб бердилар. Бу — белгиланган план топшириқларидан ортиқдир. Киулонг, Кьензян вилоятлари ва ВСР бошқа вилоятларининг балиқчилари олдинда бормоқдалар. Балиқ овлаш хўжаликларида денгиз маҳсулотлари овлашгина яхши йўлга қўйилган бўлиб қолмай, шу билан бирга бундай маҳсулотларни давлат йўли билан харид қилиш системаси ҳам аниқ—пухта ташкил этилган. Балиқ овлаш флотининг техника билан қайта қуроллантирилганлиги, эскирган қайиқлар замонавий кемалар билан алмаштирилганлиги балиқ овлаш кўпайганлигининг муҳим омилларидан бири бўлди. Ҳамма жойда балиқ овлаш кооперативлари тузилмоқда. Совет Иттифоқи тармоқни ривожлантиришда Вьетнамга катта ёрдам кўрсатиб, замонавий сейнерлар етказиб бермоқда ва малакали балиқчи кадрлар тайёрламоқда.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

ТОКИО. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг Японияда чиққан нутқ ва мақолалар китоби мамлакатнинг сиёсий доираларида зўр қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда.

Таниқли сиёсий арбоб, Япония-Совет дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, Япония Социалистик партиясидан парламент депутати Т. Иокояма К. У. Черненконинг япон китобхонига мурожаатномасини ниҳоятда муҳим ва ўз вақтида қилинган мурожаатнома деб атади. У мурожаатномада олға сурилган ва Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга тааллуқли бўлган таклифлар зўр эътибор бериб чуқур ўрганилиши ва анализ қилиниши керак, деди. Т. Иокояма таъкидлаганидек, К. У. Черненконинг иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришга даъвати Япония аҳолисининг ғоят кенг табақаларига яқин ва тушунарли бўлиб, ниҳоятда ишонтирарлидир.

Ҳозирги вақтда, деди Т. Иокояма, Япония-Совет дўстлиги жамияти ҳамда СССР билан дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашни талаб қилиб чиқаётган бошқа ташкилотлар шу йил октябрь ойида Москвада ўтказиладиган навбатдаги Япония —Совет «давра столи» конференциясига актив ҳозирлик кўрмоқдалар. К. У. Черненконинг китоби бу ишда жуда қўл келади, Япония халқига ўз қўшниси—совет халқини яхшироқ тушуниб олишида ёрдам беради, деди Т. Иокояма.

Германия Демократик Республикаси бу йил социал тараққиёт ва тинчлик, ривожланган социалистик жамият қуриш йўлидан муваффақиятли бораётганининг 35 йиллигини нишонлайди.

СУРАТДА: янги турар жойлар қад кўтармоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

«Жаррент америкен гавернмент гайд» журнали ва АП агентлиги тарқатган бу суратларда бугунги Америка ҳаётининг турли томонлари ўз аксини топган.

СУРАТДА: Винтроп шаҳарчасида истиқомат қилувчи Рекордлар оиласи мана шу ярим қоронғи тор хонада чорночор ҳаёт кечирмоқда.

СУРАТДА: биринчи зарба учун мўлжаллан ган МХ қитъалараро баллистик ракетани синаш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

ҲАВО КУНИ

Худди шундай «алоҳида кунлар» сони дунёнинг ҳеч бир календарида белгиланмаган. Лекин бу кунлар Аргентина календарида истаганча топилади. Мамлакат анъаналарига мувофиқ «Она куни», бўлиши билан бирга, «Ота куни» ҳам нишонланади. Ана шундай кунлар борки, ҳатто ёш келин-куёвлар, қушлар ва гуллар шарафига бутун бир кун бағишланади.

Умуман Аргентина календарида йил давомида 150 дан ортиқ «алоҳида кунлар» борлиги ҳисоблаб чиқилган. Яқинда бу рақамга яна бир кун «тоза ҳаво куни» ҳам қўшиладиган бўлди. У ҳар йили 20 ноябрда нишонланади. Энг қизиғи шундаки бу кунни ўйлаб топганларнинг шиори ҳам бор: «Бугун кун бўйи битта ҳам сигарет чекилмасин!».

ЭҲМ СИНАЛМОҚДА

Учинчи авлодга мансуб Ес—1026 электрон ҳисоб машинаси яратилишига электрон техниканинг энг янги ютуқлари асос қилиб олинди. Ана шу ЭҲМ Острава саноат районидаги энг катта корхоналардан бири бўлган Есеник шаҳридаги руда конида синаб кўрила бошланди.

Иккинчи авлодга мансуб мавжуд ЭҲМ ларга нисбатан янги машина ҳар секундда бир мунча кўпроқ операцияларни бажара олади, унинг хотираси анча кучли. Учинчи авлод электрон ҳисоб техникаси 1986 йилга бориб, ҳозирги мавжуд ЭҲМ системасининг ўрнини олиши планлаштирилмоқда.

КУЧЛИ ЁНҒИН

Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасида жойлашган Мангайм шаҳри районларидан бирининг савдо марказида кечаси катта ёнғин чиқди. Аланга тўрт соат давом этди. Ёнғин рўй берган жойга етиб келган ўт ўчирувчилар тонг саҳарга яқингина бу офатни бартараф этишга зўрға муваффақ бўлдилар.

Ёнғин натижасида савдо марказида жойлашган магазинларга 4 миллион маркалик зарар етказилди. Қурбонлар йўқ, ёнғин сабаблари текширилмоқда.

ИШСИЗЛАР АРМИЯСИ

Ҳозирги вақтда Австрия марказида ишсизлар армияси қарийб 30 минг кишига етди. «Нойе Кронен-Цайтун» газетасининг хабар қилишича, бу эса бир йил аввалдагига қараганда 3,5 процент кўпдир.

БРАЗИЛИЯДА СОВУҚ

Антарктика ҳавосининг катта оқими етиб келиб, Бразилиянинг шарқий ва жанубий районларида тушган қаттиқ совуқ етти кишининг ўлимига сабаб бўлди. Метеорология миллий институтининг хабар қилишича, кўп жойларда қор ёққан. Кофе плантациялари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинзорларига каттагина зиён етказилган.

САМОЛЁТ ФАЛОКАТИ

Пентагон вакили Б-1 бомбардимончи самолётнинг илк нусхаси Эдвардс (Калифорния) ҳарбий ҳаво базаси яқинида фалокатга учраганлиги тўғрисидаги хабарни тасдиқлади. Учувчилардан бири ҳалок бўлди, қолган икки нафари оғир жароҳатланди.

Биринчи ядро зарбаси бериш воситаси сифатида лойиҳалаштирилган энг янги Б-1 стратегик бомбардимончи самолётни қуриш ва жойлаштириш — Рейган маъмуриятининг АҚШни «қайта қуроллантириш» борасидаги кўп миллиардли программасининг асосий қисмларидан биридир. Яқинда Рейган кўплаб ишлаб чиқариладиган Б-1 бомбардимончи самолётининг дастлабкиси сентябрь ойида поток линиядан тайёр бўлиб тушишини маълум қилди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

5 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ҳ. ҒУЛОМ асари — **М. ЛЕВИЕВ** музикаси

«МАНГУЛИК»

(икки пардали музикали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Бахтиёр ИХТИЕРОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Набн ҲАЛИЛОВ.

Рассом — А. Г. ЖИБОЕДОВ.

Билетлар сотилмоқда.

ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ!

СИЗ 5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

6 ОЙ МОБАЙНИДА

ҚАСБ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН

Касб бўлганда ҳам энг қизиқарли, энг муҳими одамларга ҳар куни керак бўладиган ажойиб касбдир. Бу сотувчилик касби.

Сотувчининг мулойим сўзи, унинг харидорга тез ва оқилона хизмат кўрсата олиш маҳорати албатта ҳар қандай кишининг руҳини кўтариб юборади. Ҳозирги даврнинг сотувчиси — у саводли, ҳар томонлама ривожланган, камолотга эришган, маълумотли инсон бўлмоғи керак. У жуда кўп ишнинг уддасидан чиқиши ҳам лозим: сотилган молни тез ва чиройли ўраб бериш, харидорни яқин келгусида олинаётган моллар билан қизиқтириш, уларнинг хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилиб бериши керак. 5-«Техника турмушда» мактаб-магазинида сизларни худди ана шундай маҳоратга ўргатишади.

Мактаб-магазин — бу пештахта олдида олиб бориладиган амалий иш билан қўшиб ўқитиладиган, таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган савдо корхонаси базасидаги мактаб. Сиз бу ерда товаршунослик, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари, савдо эстетикаси ва психология бўйича билимларни эгаллайсиз.

Битирувчилар мактабда ўқишни тугатганларидан кейин «Ташхозторг»нинг магазинларига ишга юборилади.

Мактаб-магазинга 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар. Тошкент шаҳрида прописка бўлиши мажбурий.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчиларга ўқишни битирганларидан кейин кичик сотувчи ихтисослиги берилади. Ёш мутахассислар бир йил ишлаганларидан кейин ўқишни Тошкент совет савдоси техникумида давом эттиришлари мумкин.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Ўқишга кириш учун группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см.), турар жойидан справка, ҳарбий хизматга алоқадорлиги (йигитлар учун) ҳақида қайд этилганлик гувоҳномаси, «Ташхозторг» директори номига ёзилган ариза.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй, кадрлар бўлими. Телефон 91-59-53.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-53).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГАЧА

ЎЗЛАРИНИНГ ВОДОПРОВОД—КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1984—85 ЙИЛЛАР ҚИШКИ МАВСУМИДА

ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁР ҚИЛИБ ҚЎЙИШЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонт қилиш;

— мавсумий вақтинча сув тақсимлагичларни беркитиш;

— ташқи водопровод қувурлари ҳисоблаш узели ва сув тақсимлагичларни иссиқ материаллар билан ўраш;

Қишки шароитда ишлаш учун тайёрлаб қўйилмаган водопровод—канализация хўжалиги шаҳар водопроводи тармоғидан қўшимча огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

Ҳисоб пулларини ўз вақтида тўлаб қўйиш лозимлиги тўғрисида бир йўла эслатиб ўтамиз.

Ҳовлидаги водопроводларни қишки фаслда ишлатиш учун фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

ҳовлилардаги водопроводларни қишки фасл учун шундай иссиқ қилиб ўраш керакки, водопроводларнинг тик турган трубалари ва уларнинг атрофини ўраб турган материаллар оралиғи 40—60 миллиметр бўлиши лозим.

Майда янчилган сомон, қуруқ қипиқ, қуруқ торф ва бошқа иссиқликни изоляция қиладиган материаллар исititш материаллари бўла олади.

Иситувчи материаллар қатлами камида 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Водопроводнинг тик турган трубаси атрофида ўраш учун металл тўрлар, қоплар, қаттиқ қоғозлар ва бошқа материаллар ишлатилади.

Водопроводнинг тик турган трубасини ўраб бўлингандан кейин унинг устидан ёғочли ғилоф туйнук киидирилади ва унинг оралиғида бўш қолган жойлар қипиқ билан тўлдирилади.

Шундай ҳоллар ҳам юз берадики, вентилдан сув томчилаб турган сув иссиқликни изоляция қилиб турувчи материалларга шимилиб қолади. Бунинг учун вентиль тагига тунука ёки шифер бўлагидан кичик тарнов ўрнатиш лозим. Тарнов томчилаётган сувни ёғочли ғилоф ташқарисига чиқариб юборсин. Ёғоч ғилоф тепаси кўтариб олинадиган қопқоқ билан беркитилади ва вентиль маховигига қўл етадиган қилиб туйнук қолдирилади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процентн билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлигни ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.). соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«Ўзэлектромонтаж» махсус трести базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ЕРИТИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ЕРИТИШ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, КУЧЛАНИШ ТАРМОҚЛАРИ ВА ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, КОММУТАЦИЯ ИККИЛАМЧИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ЛИФТЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-МОНТАЖЧИ (Ватанимиз ва чет эл қурилмалари), **КОНТРОЛЬ ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТИКА РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, КИНОМЕХАНИК** (фильмларни текшириш ишини бажара олиш қобилиятини эгаллаш билан), **РАДИОТЕЛЕВИЗИОН АППАРАТУРАГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РАДИОМЕХАНИК, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ.**

Ўқиш муддати — 2,3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 синф ҳажмида маълумотли 14 ёшдан катта бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисос тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитларга ўқиш муддати бирмунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Аризалар 9.00 дан 16.30 гача қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3Х4.). Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8— уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 57, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28 — трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролёрлари, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. 8 синф ҳажмида маълумотлилар қисман давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИ-МОТОРИСТЛАР, ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-СОЗЛОВЧИЛАР, БЎЁҚЧИЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга 3 йиллик группаларга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал иссиқ овқат, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар ва танлаган мутахассисликлари бўйича диплом ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида ҳар хил тўгараклар: спорт тўгараги, фото тўгарак, халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамбллари ташкил этилган.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, 6 дона 3 х 4 см. ҳажмдаги фотосурат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

ҲУЖЖАТЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси 313-уй (2, 7-троллейбуслар ва 107, 108, 125-автобусларнинг «Красноармейская кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокранчи («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), **автомашиналар ремонти бўйича слесарь, бульдозер машинисти, скрепер машинисти, прицепли грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, электрокара ҳайдовчиси:**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) **ихтисослар бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.**

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентн тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48-автобуслар; 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ТВ

сешанба

4 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

17.30 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
18.30 «Ҳозирги дунё ва ишчилар ҳаракати».
19.00 Совет қўшиқларидан концерт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Концерт.
20.30 «Санъат усталари». СССР халқ артисти П. В. Массальский. Туғилган куннинг 80 йиллигига.
21.30 «Время».
22.05 «Мангу даъват». Ўн тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. «Қайтиш».
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Любовь Казарновская куйлайди.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Гитарачи Д. Мамонтов чалади.
19.50 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. Канада—АҚШ терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Канададан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.30) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 Чет эл мамлакатлари халқлари билан дўстлик уйида Пабло Неруда хотирасига бағишланган кеча.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
19.00 «Китоб яшаш ва меҳнат қилишни ўргатади».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабий кўрсатув.
20.10 «Сергей Заболотновнинг «Дўстлик-84» мусобақаларидаги жаҳон рекорди».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бу гулнан соз экан». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахта йиғим-теримига ҳамма нарса шаймиҳ».
22.25 М. Каримов. «Интилганга толе ёр». Телеспектакль. 2-қисм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «ВАЗ. Завод ва одамлар». Телефильм.
18.35 «Сўнгги таътил». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси (рус.).
21.00 «Яшнаётган Буджак». Телефильм.
21.30 МТ II

душанба

5 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Чарм тўп» клубининг совғини учун.
11.55 РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Бадхен раҳбарлигидаги Ленинград Давлат концерт оркестри чалади.
12.30 «Маданият ва истироҳат боғида бир кун». Бадиий фильм. (КХДР).
13.20 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Директор Поповнинг хўжалик ҳисоби». Телефильм.
15.35 «Марика учун кўйлак». Болалар кийимларининг янги моделларини ишлаб чиқариш тажрибасидан.
16.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.35 «Кенжа—боғлар юрти». Телефильм премьераси.
16.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.40 «Чапаев». Бадиий фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. СССР—Швеция терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 СССРда Руминия маданияти кунларининг очилишига бағишланган концерт. Концерт тугагач — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Семён Дежнёв жасорати». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—13.10 «Сиз яратган боғ».
14.40 «Билимимиз —қудратимиз». Тележурнал.
15.25 «Ромен Роллан». Хотиралардан.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати.
19.15 Халқаро конкурслар лауреати В. Овчинников чалади. «Фортепьяно».
19.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.55 «Дунё ва ёшлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Денис Давидов».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР—Туркия клублари терма командалари.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Тиниб-тинчимас кишилар». Телефильм.
10.45 «Юлдузча». Киноальманах.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Гжель жилолари». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.55 «Дўстлик экрани». Ҳужжатли фильм премьераси («Узкинохроника»).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/IX да **Кармен**, 5/IX да **Наврўз** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/IX да **Олтин девор**, 5/IX да **Афғон репортажи** (19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/IX да **«ИНТЕРЦИРК-84»** чет эл цирк артистларининг хайрлашув гастроллари (19.30).

кино

4 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ҚУМ СОАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ...» — **Ғ. Ғулом номли** (жуфт соатларда).

5 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Фестиваль** (21.20), телефон 32-78-02), **Ватан** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ КУРСЛАРИ

республика секретарь-стенографистка ва ҳозирги замон иш юритиш асосларини биладиган секретарь-машинисткаларга бўлган талаб ортиб бораётганлигини инобатга олиб эркин қабулдан ташқари муассасалар ва корхоналар томонидан йўлланган ходимларни шартнома асосида қисқа муддатли курсда ўқиш учун қабул қилади. Қисқа муддатли курсга қабул қилинганлар иш билан ўқишни бирга олиб борадилар.

Мурожаат учун адрес: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй «Бешоғоч, Комсомол кўли» ёнида). Телефон 45-62-52.

19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Уч тақдир, уч қўшиқ». Ўзбек шоирларининг ижоди ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Андижон область филармонияси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 «Қирқ биринчи». Бадиий фильм. (рус.).
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.20 МТ II.
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Журналист». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 «Герцен уйи ҳақида ўйлар». Ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

4 сентябрь соат 19.00 да

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА КОМАНДАСИ ЎРТАСИДА ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

4 СЕНТЯБРЬ, 1984 й. Р—20064. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12